

Мустақиллигимизнинг 32 йиллиги муносабати билан ўтказилган мини-футбол беллашуви ғолиблари аниқланди

// 25.08.2023

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/mustaqilligimizning-32-yilligi-munosabati-bilan-utkazilgan-mini-futbol-bellashuvi-goliblari-aniqlandi>



Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан “Ўзкимёсаноат” АЖ ҳамда Кимё ва фармацевтика саноат ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимлар ўртасида мини-футбол мусобақаси ўтказилди.



Бугун Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган, турнирнинг финал босқичида “Қизилқум фосфорит комплекси” МЧЖ ҳамда “Максам-Чирчиқ” АЖ ўзаро куч синашди ва яқунда “Қизилқум фосфорит комплекси” МЧЖ жамоаси ғолиб бўлди.



Якуний натижалар:

1-ўрин - “Қизилқум фосфорит комплекси” МЧЖ

2-ўрин- “Максам-Чирчиқ” АЖ

3-ўрин- “Фарғонаазот” АЖ



Ғолибларга Кимё ва фармасевтика саноат ходимлари касаба уюшмасининг махсус кубоги ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалар топширилди.





Uzkimyo sanoat

artel
ТЕЛЕВИЗОР
LED TV
3 FULL FREE

artel
Яндекс ТВ
81 см
T2C 52

artel
32"

uzkimyosanoat

uzkimyosanoat.uz

(+99878) 140-74-26



"Ўзкимёсаноат" АЖ барча ғолиб ва совриндорларни самимий муборакбод этади!